



International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies

International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies - is an international conference platform under open access policy. The conference is led by international expert members who take an objective approach to peer review, ensuring each research paper is reviewed, edited by authors and evaluated on its own scholarly merits and research integration. Publishing and joining on the proceeding of the International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies will ensure publishing experience and indexing possibilities on various global indexing.

Хўжағатнинг Қимматли Хўжалик Белгиларга Эга Навларини Танлаш

Таджибоев Хасанбрй Рустамбек ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Мева-
сабзавотчилик ва узумчилик” кафедраси ассистенти, Андижон
ВИЛОЯТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада хўжағатнинг 9 та нави бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари берилган ва юқори ҳосилли хўжағат навлари тавсия қилинган.

Калит сўзлар: хўжағат, нав, ҳосилдорлик, ички имконият, куртак бўртиш, гуллаш ва пишиш даражаси.

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ҳажмини янада кенгайтириш ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлашни талаб этади

Ўзбекистонда етиштириладиган сархил мева-резавор экинлар ичида хўжағат мевасига аҳоли ўртасида талаб катта. Улар жуда мазали, парҳезбоп таом бўлиб, қайта ишлаш учун жуда яхши хом ашё ҳам ҳисобланади. Резавор мевалар хушбўй мазаси, таркибида организм учун зарур бўлган витаминлар ва минерал тузларнинг кўплиги ҳамда шифобахш хусусиятлари туфайли севиб истеъмол қилинади

Тиббиёт нуқтаи назаридан овқатланиш институти тавсиясига кўра, одам бир йилда 92 кг мева ва резавор истеъмол қилиши керак. Шундан 14,4 килограмм резаворлар бўлиб, жумладан, хўжағат 1,8 кг., қулупнай 5,7 кг., қорағат 5,1 кг., крижовник 1,7 килограммни ташкил этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон фармони ижросини таъминлаш, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан

қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш масалалари белгилаб қўйилган.

Хўжағат навларини ўрганиш бўйича Феналогик тадқиқотлар хўжағатнинг оддий навларида вегетация даври 2022 йилги иқлим шароитида 20 февралдан бошланганлигини кўрсатади. Куртакларнинг бўртиши 20 февраль, гуллаш 1 апрель, пишиш 25 май кунларидан бошланганлиги қайд этилди. Гуллаш жараёнининг бошланиши Ляшка, Барнаульская (ст) навларида нисбатан эрта (30-март), Вислуха навида ўрта (1-апрель) Малборо навида нисбатан кеч (4-апрель) муддатларда кузатилди.

Хўжағатнинг ҳосилдорлиги бўйича потенциал имкониятини белгиловчи хусусиятларидан бири унинг гуллаш давомийлигидир. Ўрганилаётган оддий хўжағат навлари ичида Вислуха, Барнаульская (ст) навларида гуллаш давомийлиги (35 кун) ташкил қилган бўлса, Мальборо ва Ляшка навларида (29-26 кун) ташкил этди.

Пишиш даврининг бошланиши хўжағатнинг Ляшка, Мальборо навларида эртароқ (25-27 май), Барнаульская (ст) навида ўрта (28 май) Вислуха навида нисбатан кеч (29 май) бошланганлиги қайд этилди.

Пишиш жараёнининг якунланиши ўрганилган навлардан асосан 4-июндан 10-июнь кунигача кузатилди. Жумладан, пишиш Вислуха навида 29 майдан 10-июнга, Ляшка навида 25 майдан, 4-июнгача Мальборо навида 27-майдан 6-июнгача, Барнаульская(ст) навида 28-майдан, 7-июнь кунларигача давом этган.

Демак, хўжағат наларининг турли муддатларда пишиш хусусиятидан аҳолини резавор меваларга бўлган талабини мавсум давомида узокроқ муддат қондиришда фойдаланиш мумкин бўлади. Шунингдек, хўжағатнинг нав хусусиятлари хўжағатзорлар ташкил қилишда эътиборга олиш талаб этилади (1-жадвал).

1-жадвал. Оддий хўжағат навларини фенологик фазаларини ўтиши 2022 йил (1,5x0,5 м)

	Навлар	Куртакларни		Ўсимлик ҳолати, балл	Гуллаш			Мева пишиши		
		бўртиши	очиши		бошланиши	Тугаши	Гуллаш давомийлиги, кун	пиши-шини бошланиши	Тугаши	Пишиш давомийлиги, кун
2022	Барнаульская (ст)	21/II	26/II	4	30/III	3/V	35	28/V	7/VII	39
	Вислуха	20/II	28/II	4	1/IV	6/V	35	29/V	10/VII	42
	Мальборо	24/II	25/II	5	4/IV	3/V	29	27/V	6/VII	40
	Ляшка	22/II	22/II	3	30/III	25/IV	26	25/V	4/VII	40

2-жадвал. Ремонтант хўжағат навларини фенологик фазаларини ўтиши 2022 йил (1,5x0,5 м)

	Навлар	Куртакларни		Ўсимлик ҳолати, балл	Гуллаш		Мева пишиши		Гуллаш		Мева пишиши					
		бўртиши	очиши		бошланиши	Тугаши	Тугаши	Пишиш давомийлиги, кун	бошланиши	Тугаши	Гуллаш давомийлиги, кун	пишиши бошланиши	Тугаши	Пишиш давомийлиги, кун		
2022	Прогресс (ст)	25/II	13/III	4	21/IV	22/V	31	27/V	28/VI	32	16/VI	17/VII	31	20/VII	10/IX	52
	Маравилла	20/II	05/III	5	23/IV	15/V	22	20/V	28/VI	32	23/VI	1/VII	39	23/VII	15/IX	53
	Желтый гигант	11/II	20/II	4	24/IV	18/V	24	23/V	28/VI	32	19/VI	21/VII	32	20/VII	18/IX	60
	Агустина	20/II	08/III	4	22/IV	20/V	28	12/	28/VI	32	20/VI	25/	35	15/	28/IX	44

Ремонтант хўжағат навларида фенологик фазаларнинг ўтиши кузатилганда куртакларнинг бўртиши февраль ойида кузатилди. Хўжағатнинг Прогресс (ст) назорат навида куртакларнинг бўртиши 25 февралдан бошланган бўлса, Желтый гигант (11/II), Геракл

(13/II), Августина (20/II), Маравилла (20/II) навларида кўртакларнинг бўртиши бошланди.

Ремонтант хўжағат навларида биринчи гуллаш даврининг бошланиши Прогресс (st) назорат навида 21-апрелда кузатилган бўлса, Геракл нави 26 апрелда, яъни, назорат навидан 5 кун кечроқ, Маравилла ва Августина навлари назорат навига нисбатан 1-2 кун кечроқ гуллаш бошланди. Желтый гигант нави (24/IV) назоратга нисбатан 3 кун кеч гуллагани кузатилди.

Ремонотант навлар меваларининг пишишини бошланиши Прогресс назорат навида 27-майда бошланиб, пишишни тугаши 28-июнгача давом этди. Қолган барча ремонтант навларда пишишни бошланиши Маравилла (20/V), Желтый гигант (23/V), Геракл (14/V), Августина (12/V) навларида назоратга нисбатан 4 кундан 13 кунгача эрта бошланди. Меваларининг пишишини тугаши Маравилла, (28/VI) Желтый гигант (28/VI), Августина (28/VI) назорат нави билан бир кунда тугаган бўлса, ва Геракл (30/VI) назоратга нисбатан 2 кун кечроқ тугаганлиги кузатилди. Навлар ичида пишиш давомийлиги Маравилла, Желтый, Августина навлари назорат нави билан бир кунда 32 кун ташкил қилган бўлса, Желтый гигант навида 47 кун давом этди (2 жадвал).

Ремонтант хўжағат навларида иккинчи гуллаш даврининг бошланиши Прогресс назорат навида 16-июнда кузатилган бўлса, Желтый гигант нави 19 июнда, яъни, назорат навидан 3 кун кечроқ бошланган бўлса, Августина, Геракл ва Маравилла навлари 20-22-23-июнда, яъни назоратга нисбатан 4-7 кун кеч гуллаш бошлангани кузатилди.

Ремонотант навлар меваларининг ииккинчи пишишиш даврининг бошланиши Прогресс назорат навида 20-июлда бошланиб, пишишни тугаши 10-сентябргача давом этди. Навлар ичида Желтый гигант нави назорат нави билан бир кунда 20-июлда бошланди. Августина ва Геракл навлари назоратга нисбатан .Августина (15/VIII) ва Геракл (23/VIII) навларида назоратга нисбатан 26 кундан 33 кунгача кеч бошланди. Меваларининг пишишини тугаши Маравилла нави (15/IX) назорат навидан 5 кун кеч тугаган бўлса, Желтый гигант (18/IX), Августина (28/IX) ва Геракл (18/X) навларида назоратга нисбатан 18-38 кун кеч тугаганлиги кузатилди. Ремонтант навлар ичида иккинчи пишиш давомийлиги назорат навида 52 кун ташкил қилган бўлса, 44 кундан (Августина) навида кузатилди, 60 кунгача (Желтый гигант) навида давом этди.

3-жадвал. Хўжағат навларининг ҳосилдорлиги (2022 йил) (13330 туп кўчат/га)

№	Навлар номи	Ўртача ҳосилдорлик		битта дона мева массаси (г)	энг йирик мева массаси (г)
		1 тупдан (г)	ц/га		
1	Барнаульская (st)	864	115,1	2,7	3,8
2	Вислуха	860	114,6	2,4	3,3
3	Маълборо	727	96,9	2,2	4,2
4	Ляшка	1245	165,9	5,3	8,2
Ремонтант навлар					
Ёзги ҳосил					
1	Прогресс (st)	847	112,9	3,3	4,1
2	Маравилла	986	131,4	4,6	7,2
3	Желтый гигант	980	130,6	5,7	8,2
4	Августина	766	102,6	4,8	6,5
5	Геракл	1357	180,8	6,8	10,5
Кузги ҳосил					
1	Прогресс (st)	620	82,6	3,3	3,8
2	Маравилла	645	85,9	4,7	6,8
3	Желтый гигант	680	90,6	5,2	7,5
4	Августина	710	94,6	2,6	7,9
5	Геракл	565	75,3	5,8	8,5

Ўрганилаётган 9 та хўжағат навларининг ҳосилини ҳисоб-китоб қилинганда Барнаульская (st) назорат навида ўртача 1 тупдан олинган ҳосил 864 г. дан (Маълборо) навида 727 г. гачанни ташкил этди. Навлар ичида энг юқори ҳосил, яъни бир гектардан (Ляшка) навида бир тубдан 1245 г. Ҳосил олинди (3-жадвал).

Ремонтант навларида бир тупдаги ҳсилдорлик аниқланганда назорат нави яни Прогресс (st) навида 847 г ни, (Желтый гигант, Маравилла) навларида деярли бир хил 986 г ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич (Августина) навида 766 г ни, энг юқори кўрсаткич (Геракл) навида 1357 г ни ташкил этди. Ремонтант навларнинг кузги ҳосилдорлиги аниқланганда бир туп хўжағатнинг ҳосилдорлиги назорат навида 620 г ни энг ташкил қилган бўлса, энг юқори кўрсаткич (Августина) навида 710 г. Кузатилди. Энг паст кўрсаткич (Геракил) навида 565 г ни ташкил этди.

Ўрганилаётган хўжағат навлари ичида меваларининг битта дона мева массаси Барнаульская (st) назорат навида 2,7 г. ни ташкил қилган бўлса, энг паст кўрсаткич 2,2 г. (Маълиборо) навида кузатилди. Навлар ичида битта дона мева массасининг йириклиги 5,3 г. билан (Ляшка) навида кузатилди.

Ремонтант навларининг ёзги ҳосилдорлиги аниқланганда битта дона мева массаси назорат навида 3,3 г. ташкил қилган бўлса, (Маравилла) навида 4,6 г., (Августина) навида 4,8 г. ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич 6,8 г. билан (Геракл) навида кузатилди. Кузги ҳосилдорлик аниқланганда энг паст кўрсаткич (Августина) навида 2,6 г. ташкил қилган бўлса, энг юқори кўрсаткич 5,8 г. билан (Геракл) навида кузатилди.

Ҳосилдорлигини ўрганишда яна бир жихатлардан бири хўжағатниг энг йирик мева массаси ҳисобланади. Ўрганилган навлар ичида оддий хўжағатнинг энг паст кўрсаткич 3,3 г. билан (Вислуха) навида кузатилган бўлса, энг юқори кўрсаткич 8,2 г. билан (Геракл) навида кузатилди.

Ремонтант навларининг ёзги ҳосилдорлиги аниқланганда энг йирик мева массаси назорат навида 4,1 г ни ташкил қилган бўлса, (Маравилла) ҳамда (Желтый гигант) навларида 7,2-8,2 г ни ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич 10,5 г. билан (Геракл) навида кузатилди. Кузги ҳосилдорлик аниқланганда энг йирик мева массаси (Августина) 7,9 г. ва (Геракл) навида 8,5 г. билан энг йирик мева массаси аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Р.М., Ягудина С.И. “Томорқаларда етиштириладиган резавор мевалар”. Тошкент, “Меҳнат”, 1989. - Б. 71-80.
2. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Х.Р. “Резавор мевали ўсимликлар”. Тошкент, “EFFECT-NASHR”, 2020. - Б. 74-75.
3. Казаков И.В. Малина без вредителей и химикатов // Садоводство. - 1993. -№ 1.-С. 18-19.
4. Ягудина С.И. “Ягодные культуры”. Ташкент, “Ўзбекистан” 1966. - Б. 32-36.